ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.FM.01.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

ОТАЕВ ШОНАЗАР ҚОДИРОВИЧ

СОБОЛЕВ-ЛИУВИЛЛ ФАЗОЛАРИДА ГАРМОНИК БЎЛМАГАН СИСТЕМАЛАРНИНГ ТЎЛАЛИГИ ҲАҚИДА

01.01.02-Дифференциал тенгламалар ва математик физика

ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2020

УДК 517.984.5

Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии(PhD) по физико-математическим наукам

Content of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) on physical and mathematical sciences

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.FM.01.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

ОТАЕВ ШОНАЗАР ҚОДИРОВИЧ

СОБОЛЕВ-ЛИУВИЛЛ ФАЗОЛАРИДА ГАРМОНИК БЎЛМАГАН СИСТЕМАЛАРНИНГ ТЎЛАЛИГИ ҲАҚИДА

01.01.02-Дифференциал тенгламалар ва математик физика

ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2020

Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.1.PhD/FM13 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (http://ik-fizmat.nuu.uz) ва “Ziyonet” таълим ахборот тармоғида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	**Қосимов Шокирбой Ғоппорович** физика-математика фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	**Дурдиев Дурдимурод Каландарович** физика-математика фанлари доктори, профессор
	Ўразбоев Ғайрат Уразалиевич физика-математика фанлари доктори
Етакчи ташкилот:	**Самарқанд давлат университети**

Диссертация ҳимояси Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги DSc03/30.12.2019/FM 01.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «12» Ноябр соат 12⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Университет кўчаси, 4-уй. Тел.: (+99871) 246-53-21, факс: (+99871) 246-53-21, 246-02-24, e-mail:nauka@nuu. uz).

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (79 рақами билан рўйҳатга олинган). (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Университет кўчаси, 4-уй. Тел.: (+99871) 227-02-24).

Диссертация автореферати 2020 йил «3» Ноябр куни тарқатилди.

(2020 йил «31» Октябр даги 1 рақамли реестр баённомаси).

А.Садуллаев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, ф.-м.ф.д., академик.

Н.К.Мамадалиев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, ф.-м.ф.ф.д (PhD)

Ш.А.Алимов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш ҳузуридаги илмий семинар раиси, ф.-м.ф.д., академик.

Кириш(фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон миқёсида олиб бориладиган кўплаб илмий ва амалий тадқиқотлар, кўп ҳолларда, дифференциал операторларнинг хос функциялари системасининг базислигини ва эллиптик операторлар қатнашган аралаш чегаравий масалаларнинг бир қийматли ечилувчанлиги масаласини ўрганишга олиб келинади. Шунингдек, математик физика ва квант механикасининг кўплаб масалалари хос қиймат, хос ва эргашган функцияларни топиш, берилган функцияни дифференциал оператор хос ва эргашган функциялар системаси орқали Фурье қаторига ёйиш, хос ва эргашган функциялар системасининг тўлалиги ва базислигини аниқлаш, хос ва эргашган функциялар ва маълум берилган система орқали ёйилган қаторни текис яқинлашиши каби масалаларни ўз ичига олади. Бундай типдаги масалалар, масалан, хусусий ҳосилали дифференциал тенгламалар учун чегаравий масалаларни ечишда Фурье усулини асослашда юзага келади. Дифференциал операторларнинг спектрал масала хос векторлар системасининг тўлалиги ва базисилиги квант механикасининг кўпгина масалаларини ечишнинг асосий математик воситаси ҳисобланади.

Ҳозирги кунда жаҳонда банах фазоларида дифференциал ва псевдодифференциал операторларнинг хос ва эргашган функциялар системасининг тўлалиги ва базисилиги масаласи, Соболев синфларида умумлашган спектрал масала ортонормал хос векторлар системасининг тўлалиги ва гармоник бўлмаган каррали Фурье қаторининг текис яқинлашишини ўрганиш математик физиканинг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади. Турли функционал фазоларида дифференциал оператор хос функциялар системасининг тўлалиги ва базислигини аниқлаш, нолокал чегаравий шартлар қатнашган каср тартибли хусусий ҳосилали дифференциал тенглама учун аралаш масаланинг ечилувчанлик масаласи, ва умуман гармоник бўлмаган системаларнинг базислигига бағишланган масалалар мақсадли илмий тадқиқотлардан ҳисобланади.

Мамлакатимизда фундаментал фанларнинг амалий аҳамиятга эга бўлган долзарб жиҳатларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Илм-фан олдига фундаментал тадқиқотларни амалиётга яқинлаштириш вазифаси қўйилган. Математик фанларнинг устувор йўналишлари бўйича алгебра ва функционал таҳлил, дифференциал тенгламалар ва математик физика, амалий математика ва математик моделлаштириш бўйича халқаро стандартлар даражасида илмий изланишлар олиб бориш асосий вазифалардан биридир[1]. Хусусий ҳосилали тенгламаларни тадқиқ қилишнинг ривожланиши, хусусан, турли функционал фазоларда хос функциялар системасининг тўлалиги ва базислигини ўрганиш ва нолокал чегаравий шартлар қатнашган каср тартибли хусусий ҳосилали дифференциал тенглама учун аралаш масаланинг ечилувчанлик масаласи ушбу қарорни амалга оширишда муҳим рол ўйнайди.

[1] Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамаси 2017 йил 18 майдаги «Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг янгидан ташкил этилган илмий тадқиқот муассасалари фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги 292-сонли қарори.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПҚ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сон «Фанлар академияси фаолияти, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2018 йил 27 апрелдаги ПҚ-3682-сон «Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳаларни амалиётга жорий қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг 2019 йил 24 май куни Ўзбекистон Миллий университетида таълим ва илм-фан соҳаси вакиллари билан бўлиб ўтган учрашувидаги маърузаси ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа норматив-ҳуқуқий хужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика ва фан технология ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг IV «Математика, механика ва информатика» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Шуни таъкидлаш керакки, Бессел ва Гилберт системалари ва Рисс базислари тушунчалари Н. К. Бари томонидан киритилди. Кейинчалик чекли $(-a, a)$ интервалда функцияларни биортогонал $f \sim \sum_{n\in Z} e^{i\lambda_n x}$ қаторларга ёйиш масалалари дастлаб Р. Пэли ва Н. Винерлар ишларида қаралган ва бундай қаторлар гармоник бўлмаган Фурье қатори деб атала бошланди. Шундан кейин экспоненциал системаларнинг чекли оралиқда аппроксимация хоссаларини ва гармоник бўлмаган системаларни ўрганишга бағишланган назария ногармоник анализ деб аталиб, математиканинг алоҳида соҳаси сифатида ажралиб чиқди.

М.В. Келдишнинг ўз–ўзига қўшма бўлмаган чизиқли операторларнинг хос ва эргашган функцияларининг тўлалиги ҳақидаги ишларидан сўнг, Гилберт фазосида дифференциал операторларнинг хос ва эргашган функцияларнинг базислиги масаласи биринчи ўринга қўйилди. Шундан кейин В. А. Ильин томонидан осонгина текширилиши мумкин бўлган муайян чегаравий масалалар учун ихтиёрий тайинланган $p>1$ тенгсизликни қаноатлантирувчи p ларда L_p фазода n–тартибли ўз–ўзига қўшма бўлмаган оддий дифференциал операторни хос ва эргашган функциялар системасини базис бўлишлигини зарурий ва етарлилик шарти аниқланди, шунингдек, коэффициентларига минимал шартлар талаб қўйган ҳолда иккинчи тартибли операторлар учун унинг хос ва эргашган функциялар системасининг Рисс базис бўлишлигини зарурий ва етарли шартини ўрнатди. Кейинчалик В.А. Ильин усули Ш.А. Алимов, Е.И. Моисеев, Р.Р. Ашуров, В.В. Тихомиров, И.С. Ломов, В.Д. Будаев, Л.В. Крицков ва бошқа муаллифлар ишларида кенгроқ операторлар синфига татбиқ этилди.

Сўнгги йилларда Е.И. Моисеев, Н.Ю. Капустин, Т.Ш. Кальменов, А.С. Бердышев, Б.Е. Кангужин, А.А. Шкаликов, А.М. Сарсенби ва бошқалар томонидан ўз–ўзига қўшма бўлмаган дифференциал (шу жумладан ҳусусий хосилали) операторлари илдиз функцияларининг базислиги масаласи ўрганилди. Абстракт банах фазолари бўлган ҳолда системаларнинг базислик хоссалари Ш.Ғ. Қосимов томонидан тадқиқ этилган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон миллий университетиниг ОТ-Ф-130 “Математик физиканинг замонавий масалаларини ечишнинг янги усулларини ишлаб чиқиш” (2007-2011), Ф-4-02 “Дифференциал операторларнинг спектрал назарияси асосида математик физика ва оптимал бошқарув масалаларини ечишнинг янги усулларини ишлаб чиқиш” (2012-2016), ОТ-Ф-4-(36+32) “Математик физика ва оптимал бошқариш масалаларини ечишнинг янги усулларини ишлаб чиқиш. Тоқ тартибли хусусий ҳосилали тенгламалар учун ноклассик бошланғич-чегаравий ва спектрал масалалар ва уларнинг тадбиқлари” (2017–2020 гг.) илмий лойиҳалари доирасида бажарилди.

Тадқиқотнинг мақсади банах фазоларида айрим гармоник бўлмаган системаларнинг базислигини исботлаш ва каррали гармоник бўлмаган Фурье қаторларининг текис яқинлашишини аниқлаш, ҳамда Соболев синфларида нолокал чегаравий шартлар қатнашган дифференциал операторлари билан боғлиқ каср тартибли хусусий ҳосилали дифференциал тенглама учун аралаш масалаларнинг бир қийматли ечилиши шартларини ўрганишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Соболев – Лиувилл ва Бесов синфларида айрим гармоник бўлмаган системаларнинг базислиги ва каррали гармоник бўлмаган Фурье қаторларининг текис яқинлашиши ҳақидаги теоремаларни исботлаш;

Соболев синфларида чегаравий шартда спектрал параметр қатнашган масала хос функциялари системасининг Рисс базислиги ҳамда умумлашган спектрал масала ортонормал хос функциялари системасининг тўлалиги ҳақидаги теоремани исботлаш;

Соболев синфларида нолокал чегаравий шартларга эга бўлган Штурм–Лиувилл операторининг хос функциялари системасининг тўлалиги ҳақидаги теоремани исботлаш ва нолокал чегаравий шартлар қатнашган Штурм–Лиувилл ва Лаплас оператори билан боғлиқ каср тартибли хусусий ҳосилали дифференциал тенгламалар учун аралаш масаланинг бир қийматли ечилишини кўрсатиш.

Соболев синфларида нолокал чегаравий шартларга эга бўлган икки ўлчовли Дирак операторининг ортонормал хос векторлари системасининг икки каррали тўлалиги ҳақидаги теоремасини исботлаш, шунингдек, вақтга чизиқли боғлиқ чегаравий шартларга эга бўлган бир ўлчовли Дирак тенгламаси учун хос функциялар ва хос қийматларни аниқлаш;

чекли электр дипол потенциали учун Клейн–Гордон тенгламасини ўрганиш ва асимтотик ечимларнинг мослашувчанлик усули билан тақрибий ечимни топиш.

Тадқиқот объекти гармоник бўлмаган функциялар системасининг тўлалиги ва базислиги, ҳамда дифференциал операторларнинг хос функциялар системасининг тўлалиги ва базислиги.

Тадқиқот предмети келтирилган спектрал ёйилмаларнинг ҳар хил функционал фазоларида яқинлашиши масаласи ва банах фазоларида ортогонал бўлмаган системаларнинг базислиги масаласидан иборат.

Тадқиқот усуллари. Диссертация ишида математик физика усуллари, функционал анализнинг умумий усуллари, банах фазоларининг интерполяцион назарияси ва чизиқли операторларнинг интерполяцион назарияси, комплекс ўзгарувчининг функциялари назарияси, чизиқли операторларнинг спектрал назариясидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Соболев – Лиувилл ва Бесов синфларида айрим гармоник бўлмаган системаларнинг базислиги, ҳамда каррали гармоник бўлмаган Фурье қаторларининг текис яқинлашиши ҳақидаги теоремалар исботланди.

Соболев синфларида чегаравий шартда спектрал параметр қатнашган масала хос функциялари системасининг Рисс базислиги, ҳамда умумлашган спектрал масаланинг ортонормал хос функциялари системасининг тўлалиги ҳақидаги теоремалар исботланди;

Соболев синфларида нолокал чегаравий шартларга эга бўлган Штурм–Лиувилл операторининг хос функциялари системасининг тўлалиги ҳақидаги теорема исботланди ва нолокал чегаравий шартлар қатнашган Штурм–Лиувилл ва Лаплас оператори билан боғлиқ каср тартибли хусусий ҳосилали дифференциал тенгламалар учун аралаш масалаларнинг бир қийматли ечилиши кўрсатилди;

Соболев синфларида нолокал чегаравий шартларга эга бўлган икки ўлчовли Дирак операторининг ортонормал хос векторлари системасининг икки каррали тўлалиги ҳақидаги теоремаси исботланди ва вақтга чизиқли боғлиқ чегаравий шартларга эга бўлган бир ўлчовли Дирак тенгламаси учун хос функциялар ва хос қийматлар аниқланди;

чекли электр дипол потенциали учун Клейн–Гордон тенгламаси ўрганилди ва асимтотик ечимларнинг мослашувчанлик усули билан тақрибий ечим топилди.

Тадқиқотнинг амалий натижалари. Ушбу диссертация натижалари назарий характерга эга. Диссертацияда келтирилган натижалар ва усуллардан математик анализ, функционал анализ, математик физика ва дифференциал тенгламалари мутахассислари илмий тадқиқотларида фойдаланилади.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги функционал таҳлил, математик физика ва дифференциал тенгламалар усулларидан фойдаланган ҳолда математик асос ва далиллар қатъийлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ишда олинган илмий натижалардан қаттиқ жисмлар физикасида, гидродинамикада, яқинлаштириш назариясида ва дифференциал операторларнинг спектрал назариясида математик физика ва квант механикасида турли масалаларни ечиш учун Фурье усулини асослаб беришда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотда олинган натижаларнинг амалий аҳамияти геофизик кузатишлар моделларига, газ динамикаси, математик биология, туташ муҳит механикаси, суюқлик ва газ механикаси, акустик тўлқин тарқалиши ва шу каби амалий масалаларда, шунингдек, математик моделлаштиришда қўллаш имконияти билан асослаб берилган.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши: Банах фазоларида айрим гармоник бўлмаган системаларнинг тўлалиги ва базислиги масалаларини тадқиқ этишда, ҳамда нолокал чегаравий шартлар қатнашган Лаплас оператори билан боғлиқ каср тартибли хусусий ҳосилали тенглама учун аралаш масаланинг ечилиши усуллари асосида:

гармоник бўлмаган системаларнинг тўлалиги ва базислиги масалаларини тадқиқ этиш MRU-OT-1/2017 рақамли “Ноклассик дифференциал ва оператор-дифференциал тенгламалар учун нолокал чегаравий шартлар ва тескари масалалар” мавзусидаги фундаментал лойиҳасида аралаш турдаги учинчи ва тўртинчи тартибли тенгламалар учун ички чегаравий масалаларнинг тақрибий ечимларини қуришда фойдаланилган.(Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 8 январдаги 89-03-92-сонли маълумотномаси). Илмий натижаларнинг қўлланилиши учинчи тартибли гиперболик типдаги тенглама учун интеграл шарт қатнашган аралаш масаланинг ечилиш имконини берган.

нолокал чегаравий шартлар қатнашган Лаплас оператори билан боғлиқ каср тартибли хусусий ҳосилали тенглама учун аралаш масаланинг ечилиши ОТ–Ф4–33 рақамли “Дифференциал тенгламалар билан тавсифланувчи таъқиб ҳолатларини бошқаришнинг янги усулларини ишлаб чиқиш ва уларнинг сонли талқини” мавзусидаги фундаментал лойиҳада дифференциал таъқиб ўйинлари назарияси ва иссиқлик ўтказувчанлик масаласини ечишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 8 январдаги 89-03-92-сонли маълумотномаси). Дифференциал таъқиб ўйинлари назарияси ва иссиқлик ўтказувчанлик масаласида доимий кўп қийматли акслантиришнинг инвариантлигида $\varepsilon-$ позициавий стратегияларни қуриш имконини берган.

Клейн–Гордон тенгламасининг чекли электр диполли потенциали учун тақрибий аналитик ечилишидан фойдаланиб (Acta Physica Sinica – Journal of Chinese Physics.Vol.54 №4 April.2005; Acta Physica Sinica – Journal of Chinese Physics.Vol.54 №7 July.2005 ; Acta Physica Sinica – Journal of Chinese Physics.Vol.56 №2 Fevruary.2007; International Journal of Modern Physics B, Vol. 22, No. 06, pp. 671-682 (2008); International Journal of Modern Physics B Vol. 20, No. 22, pp. (2006) 3233–3245) хорижий илмий журналларда (2+1) ўлчамли Буити-Леон–Пемпинелли системаси (БЛП) учун иккита ихтиёрий функцияли ўзгарувчиларни ажратиш йўли билан янги типдаги ечим олинди ва (2+1) ўлчамли Боити–Леон- Мартина–Пемпинелли системаси учун иккита аниқ ечимлар оиласи олинди.

Ностационар чегаравий шартли Дирак тенгламасининг ечилишидан (Physica Scripta is an international scientific journal for experimental and theoretical physics Vol. 83, №3 16 February 2011) Шредингер тенгламаси учун тебранувчи ва айланувчи чегаравий шартларни ҳисобга олган ҳолда аниқ аналитик ечими олинган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертациянинг асосий мазмуни 13 та халқаро ва 6 та республика илмий-амалий конференцияларида илмий маърузаларда баён этилган. Диссертация натижалари Ўзбекистон Фанлар Академиясининг В.И. Романовский номидаги Математика институтининг "Хусусий хосилали дифференциал тенгламалар назариясининг замонавий муаммолари" дифференциал тенгламалари бўйича умумшаҳар семинарида (Проф. Р. Ашуров раҳбари) ва Мирзо Улуғбек номидаги Миллий университетида "Математик физиканинг замонавий муаммолари" шаҳар илмий семинари йиғилишида (академик Ш.А. Алимов) маъруза этилди.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 31 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестатция комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 12 та мақола, жумладан, 3 таси хорижий ва 9 таси республика журналларида нашр этилган.

Диссертация ҳажми ва тузилиши. Диссертация кириш, учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация ҳажми 131 бет.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, мавзу бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи, муаммонинг ўрганилганлик даражаси келтирилган, тадқиқот мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг “Функционал фазолар ҳақидаги зарурий маълумотлар ва бу фазолардаги гармоник бўлмаган функциялар системасининг тўлалиги ҳақида” деб номланган биринчи бобида дастлабки зарурий маълумотлар, асосий таърифлар, теоремалар, ҳамда диссертация натижаларини баён қилишда фойдаланиладиган банах ва гилберт фазоларидаги айрим базисларнинг хоссалари келтирилган. Шунингдек, тўғри тўртбурчаклар бўйича жамланганда Соболев-Лиувилл ва Бесов синфларидаги айрим гармоник бўлмаган системаларнинг базислиги ҳақидаги теоремалар исбот қилинган.

I бобнинг 1.1 va 1.2 параграфларида зарурий таърифлар ва маълумотлар, шунингдек, банах ва гильберт фазоларида базисларнинг баъзи хоссалари келтирилган.

Биринчи бобнинг 1.3 параграфида Соболев-Лиувилл ва Бесов синфларидаги айрим гармоник бўлмаган системаларнинг базислигига оид масалалар қаралган. Соболев-Лиувилл ва Бесов синфларида тўғри тўртбурчаклар бўйича жамланганда айрим гармоник бўлмаган системаларнинг базислиги ҳақидаги теоремалар исботланди, шунингдек, Соболев ва Бесов синфларидаги баъзи гармоник бўлмаган системаларнинг Рисс базислиги ҳақидаги теоремалар исботланди.

1-таъриф. Агар $f(x)=f(x_1,...,x_N)$ функция ҳар бир x_j $(j=\overline{1,N})$ ўзгарувчи бўйича 2π–даврли функция ва

$$\|f\|_{L_p^s(T^N)}=\left\|\sum_{n\in Z^N}\left(1+|n|^2\right)^{\frac{s}{2}}\cdot f_n\cdot\exp(inx)\right\|_{L_p(T^N)}<\infty,$$

бу ерда $p\geq 1$, $f_n=(2\pi)^{-N}\int\limits_{T^N}f(x)\exp(-inx)dx$ – Фурье коэффициенти, $T^N=(-\pi,\pi]^N$ эса, N–ўлчамли тор бўлса, у ҳолда $f(x)=f(x_1,...,x_N)$ функция $T^N=(-\pi,\pi]^N$ торда 2π – даврли $L_p^s(T^N)$ Лиувилл синфига тегишли дейилади.

2-таъриф. Агар $\min\limits_{1\leq j\leq N}m_j\to\infty$ интилганда $S_m=\sum\limits_{|n_1|\leq m_1}\sum\limits_{|n_2|\leq m_2}...\sum\limits_{|n_N|\leq m_N}c_n\varphi_n$ қисмий йиғиндилар кетма-кетлигининг чекли лимити мавжуд бўлса, у ҳолда $\sum\limits_{n\in Z^N}c_n\varphi_n$ қаторни тўғри тўртбурчаклар бўйича жамлаганда яқинлашувчи деб айтилади.

3-таъриф. Агарда ҳар бир $x\in E$ вектор ягона усулда E банах фазосининг нормаси бўйича яқинлашувчи $x=\sum\limits_{n\in Z^N}c_n\varphi_n$ қаторга ёйилса, у ҳолда $\varphi=\{\varphi_n\}_{n\in Z^N}$ элементлар системаси тўғри тўртбурчаклар бўйича жамланганда E банах фазосининг базиси дейилади.

4-таъриф. Агарда $\sum\limits_{n\in Z^N}c_n\psi_n=0$ тенглик $\sum\limits_{n\in Z^N}|c_n|^2\cdot\|\psi_n\|^2>0$ бўлганда бажарилмаса, у ҳолда E банах фазосида $\psi=\{\psi_n\}_{n=1}^{\infty}$ векторлар кетма-кетлиги тўғри тўртбурчаклар бўйича жамланганда ω – чизиқли эркли дейилади.

5-таъриф. Агарда шундай чизиқли чегараланган тескариланувчи оператор $L:H\to H$ мавжуд бўлиб, $\{L\varphi_n\}_{n=1}^{\infty}$ ортономал базис бўлса, у ҳолда $\varphi=\{\varphi_n\}_{n=1}^{\infty}$ система H гильберт фазосида Рисс базиси дейилади.

1-теорема. $\psi_n(x)=(2\pi)^{-\frac{N}{p}}\cdot\left(1+|n|^2\right)^{-\frac{s}{2}}\cdot\exp\left(i\lambda_n x\right)+\alpha_n(x)\,, n\in Z^N$, бу ерда $n\neq m$ учун $\lambda_n\neq\lambda_m$, функциялар системаси тўғри тўртбурчаклар бўйича жамланганда $\omega-$ чизиқли эркли бўлиб қуйидаги шартлар бажарилсин:

1) $\sum\limits_{n\in Z^N}\left\|\sum\limits_{k\in Z^N}\left(\frac{1+|k|^2}{1+|n|^2}\right)^{\frac{s}{2}}\left(\prod\limits_{j=1}^{N}\frac{\sin\left(\lambda_{n_j}-k_j\right)\pi}{\left(\lambda_{n_j}-k_j\right)\pi}-\delta_{nk}\right)\cdot\exp(ikx)\right\|_{L_p\left(T^N\right)}<\infty$;

2) $\sum\limits_{n\in Z^N}\left\|\alpha_n(x)\right\|_{L_p^s\left(T^N\right)}<\infty$.

У ҳолда тўғри тўртбурчаклар бўйича жамланганда $\left\{\psi_n\right\}_{n\in Z^N}$ функциялар системаси $L_p^s\left(T^N\right)$ фазода базис бўлади, бу ерда $1<p<\infty$.

6-таъриф. Агар $f(x)\in L_p\left(T^N\right)$ функциянинг барча $|\alpha|=s$ тартибли $D^\alpha f$ (тақсимот назарияси маъносидаги) хусусий ҳосилалари $L_p\left(T^N\right)$ фазога тегишли, яъни $\|f\|_{W_p^s\left(T^N\right)}=\|f\|_{L_p\left(T^N\right)}+\sum\limits_{|\alpha|=s}\left\|D^\alpha f\right\|_{L_p\left(T^N\right)}$ норма чекли бўлса, у ҳолда бу функция $W_p^s\left(T^N\right)$Соболев фазосига тегишли дейилади, бу ерда $1\le p<\infty$, $s=0, 1, 2, \ldots$.

2-теорема. $\psi_n(x)=(2\pi)^{-\frac{N}{p}}\cdot\left(1+\sum\limits_{|\alpha|=s}\left|n^\alpha\right|\right)^{-1}\cdot\exp\left(i\lambda_n x\right)+\alpha_n(x)$, бу ерда $n\neq m$ учун $\lambda_n\neq\lambda_m$, функциялар системаси тўғри тўртбурчаклар бўйича жамланганда $\omega-$ чизиқли эркли бўлиб қуйидаги шартлар бажарилсин:

1) $\sum\limits_{n\in Z^N}\left|\lambda_n-n\right|<\infty$; 2) $\sum\limits_{n\in Z^N}\left\|\alpha_n(x)\right\|_{W_p^s\left(T^N\right)}<\infty$.

У ҳолда тўғри тўртбурчаклар бўйича жамланганда $\left\{\psi_n\right\}_{n\in Z^N}$ функциялар системаси $W_p^s\left(T^N\right)$ фазода базис бўлади, бу ерда $1<p<\infty$, $s=0,1, 2, \ldots$.

3-теорема. $\psi_n(x)=(2\pi)^{-\frac{N}{2}}\cdot\left(1+\sum\limits_{|\alpha|=s}\left|n^\alpha\right|^2\right)^{-\frac{1}{2}}\cdot\exp\left(i\lambda_n x\right)+\alpha_n(x)$, бу ерда $n\neq m$ учун $\lambda_n\neq\lambda_m$, функциялар системаси тўғри тўртбурчаклар бўйича жамланганда $\omega-$ чизиқли эркли бўлиб қуйидаги шартлар бажарилсин:

$$1)\quad k=\sqrt{\sup_n\frac{\theta^2+\sum\limits_{|\alpha|=s}\left(\theta^2\left|\lambda_n^\alpha\right|^2+\left|\lambda_n^\alpha-n^\alpha\right|^2\right)}{1+\sum\limits_{|\alpha|=s}\left|n^\alpha\right|^2}}<1,$$

бу ерда $\theta=\exp(MN\pi)-1,\ M=\sup\limits_j\sup\limits_{n_j}\left|\lambda_{n_j}-n_j\right|$; 2) $\sum\limits_{n\in Z^N}\left\|\alpha_n(x)\right\|^2_{W_2^s\left(T^N\right)}<\infty$.

У ҳолда $\left\{\psi_n(x)\right\}_{n\in Z^N}$ функциялар системаси $W_2^s\left(T^N\right)$ фазода базис бўлади.

Биринчи бобнинг 1.4-параграфида Соболев–Лиувилл ва Бесов синфларида каррали гармоник бўлмаган Фурье қаторларининг тўғри тўртбурчаклар бўйича жамланганда текис яқинлашиш масаласи қаралган ва жамланиш усулига боғлиқ бўлмаган ҳолда Соболев ва Бесов синфларида каррали гармоник бўлмаган Фурье қаторларининг текис яқинлашиши ҳақидаги теоремалар исботланди.

7-таъриф. Агарда

$$\lim_{\substack{\min\limits_{1\le j\le N} m_j\to\infty}}\left\| f(x)-S_m(x)\right\|_{C(\bar{G})}=\lim_{\substack{\min\limits_{1\le j\le N} m_j\to\infty}}\left\| f(x)-\sum_{|n_1|\le m_1}\sum_{|n_2|\le m_2}\dots\sum_{|n_N|\le m_N} c_n\varphi_n(x)\right\|_{C(\bar{G})}=0$$

тенглик ўринли бўлса, у ҳолда $\sum\limits_{n\in Z^N} c_n\varphi_n(x)$ қатор $\bar{G}$ тўпламда тўғри тўртбурчаклар бўйича жамланганда $f(x)$ функцияга текис яқинлашади деб айтамиз.

4-теорема. $\psi_n(x)=(2\pi)^{-\frac{N}{p}}\cdot\left(1+|n|^2\right)^{-\frac{s}{2}}\cdot\exp\left(i\lambda_n x\right)+\alpha_n(x),\ n\in Z^N$, бу ерда $n\neq m$ учун $\lambda_n\neq\lambda_m$, функциялар системаси тўғри тўртбурчаклар бўйича жамланганда $\omega-$ чизиқли эркли бўлиб қуйидаги шартлар бажарилсин:

$$1)\ \sum_{n\in Z^N}\left\|\sum_{k\in Z^N}\left(\frac{1+|k|^2}{1+|n|^2}\right)^{\frac{s}{2}}\left(\prod_{j=1}^{N}\frac{\sin\left(\lambda_{n_j}-k_j\right)\pi}{\left(\lambda_{n_j}-k_j\right)\pi}-\delta_{nk}\right)\cdot\exp(ikx)\right\|_{L_p\left(T^N\right)}<\infty;$$

$$2)\ \sum_{n\in Z^N}\left\|\alpha_n(x)\right\|_{L_p^s\left(T^N\right)}<\infty;\qquad 3)\quad s\cdot p>N\ ,\ 1<p<\infty.$$

У ҳолда $f\left(x\right)\in L_p^s\left(T^N\right)\bigcap C\left(T^N\right)$ функциянинг $\left\{\psi_n\right\}_{n\in Z^N}$ система бўйича каррали гармоник бўлмаган Фурье қатори T^N тўпламда тўғри тўртбурчаклар бўйича жамланганда $f\left(x\right)$ функцияга текис яқинлашади.

5-теорема. $\psi_n(x)=(2\pi)^{-\frac{N}{p}}\cdot\left(1+\sum\limits_{|\alpha|=s}\left|n^\alpha\right|\right)^{-1}\cdot\exp\left(i\lambda_n x\right)+\alpha_n(x)$, бу ерда $n\neq m$ учун $\lambda_n\neq\lambda_m$, функциялар системаси тўғри тўртбурчаклар бўйича жамланганда $\omega-$ чизиқли эркли бўлиб қуйидаги шартлар бажарилсин:

$$1)\sum_{n\in Z^N}\left|\lambda_n-n\right|<\infty;\quad 2)\sum_{n\in Z^N}\left\|\alpha_n(x)\right\|_{W_p^s\left(T^N\right)}<\infty;\quad 3)\, s\cdot p>N\,,\ 1<p<\infty,$$

$s=0,1,2,\dots$.

У ҳолда $f\left(x\right)\in W_p^s\left(T^N\right)\bigcap C\left(T^N\right)$ функциянинг $\left\{\psi_n\right\}_{n\in Z^N}$ система бўйича каррали гармоник бўлмаган Фурье қатори T^N тўпламда тўғри тўртбурчаклар бўйича жамланганда $f\left(x\right)$ функцияга текис яқинлашади.

Биринчи бобнинг 1.5-параграфида чегаравий шартда спектрал параметр қатнашган масаланинг хос функциялари системасининг Соболев синфларида Рисс базислиги масаласи қаралган.

Қуйидаги кўринишдаги спектрал масалани қараймиз:

$$u''(x)+\lambda u(x)=0,\ u(0)=0,\ u'(0)-d\lambda u(1)=0,\ d>0. \tag{1}$$

$W_2^s(0,1)$ Соболев фазосида нормани қуйидагича киритамиз:

$$\|f\|^2_{W_2^s(0,1)}=\|f\|^2_{L_2(0,1)}+\left\|D^s f\right\|^2_{L_2(0,1)}.$$

6-теорема. (1) спектрал масаланинг

$$y_n=\frac{\sqrt{2}}{\sqrt{1+(\pi n)^{2s}}}\sin\sqrt{\lambda_n}x,\quad n=1,2,3,\ldots$$

хос функциялар системаси $W_2^s(0,1)$ Соболев фазосида Рисс базиси бўлади.

Диссертациянинг “Хос функциялар системасининг тўлалиги ва базислиги ҳақида. Нолокал чегаравий шартлар билан каср тартибли хусусий ҳосилали дифференциал тенглама учун аралаш масаланинг бир қийматли ечилиши” деб номланган иккинчи бобида Соболев синфларида $Au=\lambda Su$ умумлашган спектрал масаланинг ортонормал хос векторлар системасининг тўлалиги, шунингдек нолокал чегаравий шартлар билан Штурма-Лиувилл и Лаплас оператор билан каср тартибли хусусий ҳосилали дифференциал тенглама учун аралаш масаланинг бир қийматли ечилиши масалалари қаралган.

2.1-параграфда Соболев синфларида $Au=\lambda Su$ умумлашган спектрал масала хос функциялари системасининг тўлалиги ва базислиги, ҳамда бу системалар бўйича Фурье қаторининг текис яқинлашиши масалалари ўрганилди.

Қуйидаги кўринишда тенгламани

$$y'(x)=\lambda y\left(\pi-x\right),\tag{2}$$

$$\alpha y(0)+\beta y(\pi)=0,\tag{3}$$

чегаравий шартлар билан қараймиз, бу ерда $|\alpha|+|\beta|\neq 0$, $y(x)\in C^1\left[0,\pi\right]$.

Бу спектрал масала қуйидаги спектрал масалага келтирилади.

$$-y''(x)=\mu y(x),\quad \mu=\lambda^2,\tag{4}$$

$$\begin{cases}\alpha y(0)+\beta y(\pi)=0,\\ \beta y'(0)+\alpha y'(\pi)=0.\end{cases}\tag{5}$$

$$\mu_n=\lambda_n^2=(2n+\varepsilon_n\varphi)^2,\ \varphi=\frac{1}{\pi}ar\cos s\frac{-2\alpha\beta}{\alpha^2+\beta^2},\ \varepsilon_n=\pm1,\ \varepsilon_{-n}=\varepsilon_n,\ n\in\mathbb{Z},$$

сонлар ва

$$y_n=\omega_n(\beta\cos\lambda_n x+\varepsilon_n \operatorname{sign}(\beta^2-\alpha^2)\alpha\sin\lambda_n x)\tag{6}$$

функциялар мос равишда (4)–(5) масаланинг хос сонлари ва хос функциялари бўлади, бу ерда $\omega_n=\sqrt{\frac{2}{\pi}}\frac{\alpha}{\sqrt{\alpha^2+\beta^2}}\frac{1}{\sqrt{1+(2n)^{2s}}}$.

8-теорема. $|\alpha|\neq|\beta|,\ \alpha\neq0,\ \beta\neq0$ ҳақиқий сонлар ва $\rho=\sqrt{\theta^2+2(\frac{\theta}{\sqrt{2}}+(\varphi+1)^s-1)^2}\cdot\sigma(s)<1$ бўлсин , бу ерда $\sigma(0)=\frac{1}{\sqrt{2}},\ \sigma(s)=1,\ s>0,$

$$\theta=\sqrt{2}\max_{x\in[0,\pi]}\left|e^{i\varphi x}-1\right|,\ \lambda_n=2n+\varepsilon_n\cdot\varphi,\ \varphi=\frac{1}{\pi}\arccos\frac{-2\alpha\beta}{\alpha^2+\beta^2},\varepsilon_n=\varepsilon_{-n}=\pm1,\ n\in\mathbb{Z}.$$

У ҳолда (4)–(5) спектрал масаланинг

$$\bar{y}_n(x)=\sqrt{\frac{2}{\pi}}\cdot\frac{\beta\cos\lambda_n x+\varepsilon_n \operatorname{sign}(\beta^2-\alpha^2)\alpha\sin\lambda_n x}{\sqrt{\beta^2+\alpha^2}\cdot\sqrt{1+|\lambda_n|^{2s}}},\quad n\in\mathbb{Z}$$

хос функциялари системаси $W_2^s(0,\pi)$ Соболев синфида тўла ортонормал система бўлади.

9-теорема. $|\alpha|\neq|\beta|,\ \alpha\neq 0,\ \beta\neq 0$ ҳақиқий сонлар ва $\rho=\sqrt{\theta^2+2(\frac{\theta}{\sqrt{2}}+\varphi)^2}<1$ бўлсин, бу ерда $\sigma(0)=\frac{1}{\sqrt{2}},\ \sigma(s)=1,\quad s>0,$ $\theta=\sqrt{2}\max\limits_{x\in[0,\pi]}\left|e^{i\varphi x}-1\right|,\ \lambda_n=2n+\varepsilon_n\cdot\varphi,\ \varphi=\frac{1}{\pi}\arccos\frac{-2\alpha\beta}{\alpha^2+\beta^2},\varepsilon_n=\varepsilon_{-n}=\pm 1$, $n\in\mathbb{Z}$.

У ҳолда $f(x)\in W_2^s(0,\pi)\cap C[0,\pi]$ функциянинг (4)–(5) спектрал масала

$$y_n(x)=\sqrt{\frac{2}{\pi}}\cdot\frac{\beta\cos\lambda_n x+\varepsilon_n \operatorname{sign}(\beta^2-\alpha^2)\alpha\sin\lambda_n x}{\sqrt{\beta^2+\alpha^2}\cdot\sqrt{1+|\lambda_n|^{2s}}},\ n\in\mathbb{Z}$$

ортонормал хос функциялари бўйича Фурье қатори $[0,\pi]$ кесмада $f(x)$ функцияга текис яқинлашади.

Иккинчи бобнинг иккинчи параграфида қуйидаги кўринишдаги тенглама

$$D_{0t}^{\alpha}u(x,t)=\frac{\partial^2 u(x,t)}{\partial x^2}-q(x)u(x,t)+f(x,t),\quad 0<\alpha\leq 2 \tag{7}$$

$$\lim_{t\to 0}D_{0t}^{\alpha-k}u(x,t)=\varphi_k(x),\quad k=\overline{1,\ -[-\alpha]} \tag{8}$$

бошланғич шартлар ва

$$\alpha u(0,t)+\beta u(\pi,t)=0,\qquad \beta u'(0,t)+\alpha u'(\pi,t)=0, \tag{9}$$

чегаравий шартлар билан қаралган, бу ерда $f(x,t),\ \ \varphi_k(x),\ \ k=\overline{1,-[-\alpha]}$ – функциялар

$$-y''+q(x)y=\lambda y(x), \tag{10}$$

$$\begin{cases}\alpha y(0)+\beta y(\pi)=0,\\ \beta y'(0)+\alpha y'(\pi)=0.\end{cases} \tag{11}$$

спектрал масаланинг $\{y_n(x)\}_{n\in Z}$ хос функциялари системаси бўйича ёйилувчи функциялардир. Бу ерда D^{α} каср тартибли интеграл қуйидаги кўринишга эга: $\alpha<0$ бўлганда $D_{at}^{\alpha}u(x,t)=\frac{sign(t-\alpha)}{\Gamma(-\alpha)}\int\limits_a^t\frac{u(x,\tau)d\tau}{|t-\tau|^{\alpha+1}}$, $\alpha=0$ бўлганда $D_{at}^{\alpha}u(x,t)=u(x,t)$ ва $p-1<\alpha\leq p,\ p\in\mathbb{N}$, $p-1<\alpha\leq p,\ p\in\mathbb{N}$ бўлганда каср тартибли ҳосила

$$D_{at}^{\alpha}u(x,t)=\frac{sign^p(t-\alpha)}{\Gamma(-\alpha)}\frac{d^p}{dt^p}D_{at}^{\alpha-p}u(x,t)=\frac{sign^{p+1}(t-\alpha)}{\Gamma(n-\alpha)}\frac{d^p}{dt^p}\int\limits_a^t\frac{u(x,\tau)d\tau}{|t-\tau|^{\alpha-p+1}}$$

кўринишида бўлади. Бу ерда $q(x)$ функцияни $[0,\pi]$ кесмада етарлича силлиқ функция деб ҳисоблаймиз.

10-теорема. $\alpha \neq 0,\ \beta \neq 0,\ |\alpha| \neq |\beta|$ ҳақиқий сонлар ва $\theta < 1$ бўлсин, бу ерда $\theta = \sqrt{2}\max\limits_{x\in[0,\pi]}\left|e^{i\varphi x}-1\right|,\quad s_n = 2n+\varepsilon_n\cdot\varphi,\quad \varphi = \frac{1}{\pi}\arccos\frac{-2\alpha\beta}{\alpha^2+\beta^2}$, $\varepsilon_n = \varepsilon_{-n} = \pm 1\ \ n\in Z$. У ҳолда (10) –(11) спектрал масаланинг

$$y_n(x) = \frac{1}{\sqrt{\pi}}\cdot\frac{\beta\cos s_n x + \varepsilon_n \operatorname{sign}(\beta^2-\alpha^2)\alpha\sin s_n x}{\sqrt{\beta^2+\alpha^2}} + O\left(\frac{1}{n}\right),\quad n\in Z$$

хос функциялар системаси $L_2(0,\pi)$ фазода тўла ортонормал система бўлади.

11-теорема. $\alpha \neq 0,\ \beta \neq 0,\ |\alpha| \neq |\beta|$ ҳақиқий сонлар ва $\theta < 1$ бўлсин, бу ерда $\theta = \sqrt{2}\max\limits_{x\in[0,\pi]}\left|e^{i\varphi x}-1\right|,\ s_n = 2n+\varepsilon_n\cdot\varphi,\ \varphi = \frac{1}{\pi}\arccos\frac{-2\alpha\beta}{\alpha^2+\beta^2},\ \varepsilon_n = \varepsilon_{-n} = \pm 1\ \ n\in Z$ ва (10)–(11) масаланинг ечими мавжуд бўлсин. У ҳолда бу ечим ягона бўлади.

Иккинчи бобнинг учинчи параграфида қуйидаги кўринишдаги тенглама

$$D_{0t}^{\alpha}u(x,t) = \Delta u(x,t) + f(x,t),\quad (x,t)\in\Pi\times(0,\infty),\quad 0<\alpha\le 2 \tag{12}$$

$$\lim_{t\to 0} D_{0t}^{\alpha-k}u(x,t) = \varphi_k(x),\quad k=\overline{1,\,-[-\alpha]}, \tag{13}$$

бошланғич шартлар ва

$$\begin{cases} \alpha_j u(x_1,...,x_j,...,x_N,t)|_{x_j=0} + \beta_j u(x_1,...,x_j,...,x_N,t)|_{x_j=\pi} = 0, 1\le j\le p, \\ \beta_j \dfrac{\partial u(x_1,...,x_j,...,x_N,t)}{\partial x_j}|_{x_j=0} + \alpha_j \dfrac{\partial u(x_1,...,x_j,...,x_N,t)}{\partial x_j}|_{x_j=\pi} = 0, 1\le j\le p, \\ u(x_1,...,x_j,...,x_N,t)|_{x_j=0} = u(x_1,...,x_j,...,x_N,t)|_{x_j=\pi},\ p+1\le j\le q, \\ \dfrac{\partial u(x_1,...,x_j,...,x_N,t)}{\partial x_j}|_{x_j=0} = \dfrac{\partial u(x_1,...,x_j,...,x_N,t)}{\partial x_j}|_{x_j=\pi} = 0,\ p+1\le j\le q, \\ u(x_1,...,x_j,...,x_N,t)|_{x_j=0} = 0,\quad q+1\le j\le N, \\ u(x_1,...,x_j,...,x_N,t)|_{x_j=\pi} = 0,\quad q+1\le j\le N, \\ 1\le p\le q\le N, \end{cases} \tag{14}$$

чегаравий шартлар билан қаралган, бу ерда $f(x,t),\ \ \varphi_k(x),\ \ k=\overline{1,\,-[-\alpha]}$ – функциялар

$$\Delta v(x) + \mu v(x) = 0, \tag{15}$$

$$\begin{cases} \alpha_j\cdot v(x_1,...,x_j,...,x_N)|_{x_j=0} + \beta_j\cdot v(x_1,...,x_j,...,x_N)|_{x_j=\pi} = 0, 1\le j\le p, \\ \beta_j \dfrac{\partial v(x_1,...,x_j,...,x_N)}{\partial x_j}|_{x_j=0} + \alpha_j \dfrac{\partial v(x_1,...,x_j,...,x_N)}{\partial x_j}|_{x_j=\pi} = 0, 1\le j\le p, \\ v(x_1,...,x_j,...,x_N)|_{x_j=0} = v(x_1,...,x_j,...,x_N)|_{x_j=\pi},\ p+1\le j\le q, \\ \dfrac{\partial v(x_1,...,x_j,...,x_N)}{\partial x_j}|_{x_j=0} = \dfrac{\partial v(x_1,...,x_j,...,x_N)}{\partial x_j}|_{x_j=\pi} = 0,\ p+1\le j\le q, \\ v(x_1,...,x_j,...,x_N)|_{x_j=0} = 0,\quad q+1\le j\le N, \\ v(x_1,...,x_j,...,x_N)|_{x_j=\pi} = 0,\quad q+1\le j\le N, \\ 1\le p\le q\le N \end{cases} \tag{16}$$

спектрал масаланинг $\{v_n(x)\}_{n\in \mathbb{N}}$ хос функциялар системаси бўйича ёйилувчи функциялардир, бунда $(x,t)=(x_1,...,x_j,...,x_N,t)\in \Pi\times(0,\infty)$, $\Pi=(0,\pi)\times...\times(0,\pi)$, $\alpha_j=const$, $\beta_j=const$, $|\alpha_j|\neq|\beta_j|$, $\alpha_j\neq 0,\ \beta_j\neq 0$.

$W_2^{s_1,s_2,...,s_N}(\Pi)$ синфга тегишли ва

$$\begin{cases}\alpha_j\dfrac{\partial^{2k}v(x_1,...,x_j,...,x_N)}{\partial x_j^{2k}}|_{x_j=0}+\beta_j\dfrac{\partial^{2k}v(x_1,...,x_j,...,x_N)}{\partial x_j^{2k}}|_{x_j=\pi}=0, 1\le j\le p,\quad 0\le 2k<s-\dfrac{N}{2},\\ \beta_j\dfrac{\partial^{2k+1}v(x_1,...,x_j,...,x_N)}{\partial x_j^{2k+1}}|_{x_j=0}+\alpha_j\dfrac{\partial^{2k+1}v(x_1,...,x_j,...,x_N)}{\partial x_j^{2k+1}}|_{x_j=\pi}=0, 1\le j\le p,\ 0\le 2k+1<s-\dfrac{N}{2},\\ \dfrac{\partial^{k}v(x_1,...,x_j,...,x_N)}{\partial x_j^{k}}|_{x_j=0}=\dfrac{\partial^{k}v(x_1,...,x_j,...,x_N)}{\partial x_j^{k}}|_{x_j=\pi}=0,\quad p+1\le j\le q,\ 0\le k<s-\dfrac{N}{2},\\ \dfrac{\partial^{2k}v(x_1,...,x_j,...,x_N)}{\partial x_j^{2k}}|_{x_j=0}=0,\quad q+1\le j\le N,\ 0\le 2k<s-\dfrac{N}{2},\\ \dfrac{\partial^{2k}v(x_1,...,x_j,...,x_N)}{\partial x_j^{2k}}|_{x_j=\pi}=0,\quad q+1\le j\le N,\ 0\le 2k<s-\dfrac{N}{2},\ 1\le p\le q\le N\end{cases}$$

чегаравий шартларни қаноатлантирувчи функциялар синфини $\overset{0}{W}{}_2^{s_1,s_2,...,s_N}(\Pi)$ орқали белгилаймиз.

12-теорема. $\alpha_j\neq 0,\ \beta_j\neq 0,\ |\alpha_j|\neq|\beta_j|$, $1\le j\le p$ ҳақиқий сонлар ва $\rho=\max\limits_{1\le j\le p}\left(\sqrt{\theta_j^2+2(\frac{\theta_j}{\sqrt{2}}+(\varphi_j+1)^{s_j}-1)^2}\cdot\sigma(s_j)\right)<1$ бўлсин, бу ерда $\sigma(0)=\dfrac{1}{\sqrt{2}}$, $\sigma(s_j)=1$, $s_j>0$, $\theta_j=\sqrt{2}\max\limits_{x\in[0,\pi]}\left|e^{i\varphi_j x}-1\right|$, $\lambda_{m_j}=2m_j+\varepsilon_{m_j}\cdot\varphi_j$, $\varphi_j=\dfrac{1}{\pi}\arccos\dfrac{-2\alpha_j\beta_j}{\alpha_j^2+\beta_j^2}$, $\varepsilon_{m_j}=\varepsilon_{-m_j}=\pm 1$, $m_j\in\mathbb{Z}$. У ҳолда (15)–(16) спектрал масаланинг

$$\left\{v_{m_1,...,m_N}(x_1,x_2,...,x_N)\right\}_{(m_1,...,m_p)\in\mathbb{Z}^p\times(m_{p+1},...,m_q)\in\mathbb{Z}^{q-p}\times(m_{q+1},...,m_N)\in\mathbb{N}^{N-q}}=$$

$$=\left\{\prod_{j=1}^{p}\sqrt{\frac{2}{\pi}}\cdot\frac{\beta_j\cos\lambda_{m_j}x+\varepsilon_{m_j}\cdot\operatorname{sign}(\beta_j^2-\alpha_j^2)\alpha_j\sin\lambda_{m_j}x_j}{\sqrt{\alpha_j^2+\beta_j^2}\cdot\sqrt{1+\left|\lambda_{m_j}\right|^{2s_j}}}\right\}_{(m_1,...,m_p)\in\mathbb{Z}^p}\times$$

$$\times\left\{\prod_{j=p+1}^{q}\frac{1}{\sqrt{\pi}}\cdot\frac{1}{\sqrt{1+\left|2m_j\right|^{2s_j}}}\cdot e^{i2m_jx_j}\right\}_{(m_{p+1},...,m_q)\in\mathbb{Z}^{q-p}}\times\left\{\prod_{j=q+1}^{N}\sqrt{\frac{2}{\pi}}\cdot\frac{1}{\sqrt{1+\left|m_j\right|^{2s_j}}}\cdot\sin(m_jx_j)\right\}_{(m_{q+1},...,m_N)\in\mathbb{N}^{N-q}}\tag{17}$$

хос функциялари системаси $\overset{0}{W}{}_2^{s_1,s_2,...,s_N}(\Pi)$ Соболев фазосида тўла ортонормал система бўлади.

12-теоремага кўра (15)–(16) спектрал масаланинг (17) хос функциялари системаси $\overset{0}{H}{}^{s_1,s_2,\dots,s_N}(\Pi)$ ва $\overset{0}{W}{}_2^{s_1,s_2,\dots,s_N}$ (П) Соболев фазоларида Рисс базиси бўлади.

Шунга асосан қуйидаги тенгсизлик ўринли

$$\|u(x,t)\|^2_{C^{2,2,\dots,2}(\Pi)} \le c_8 \|u(x,t)\|^2_{H^{s_1,s_2,\dots,s_N}(\Pi)} \le$$

$$\le c_9 \sum_{m_1=1}^{\infty} \dots \sum_{m_N=1}^{\infty} \left| \sum_{j=1}^{[\alpha]+1} \left(\varphi_j\right)_{m_1,\dots,m_N} \cdot t^{\alpha-j} \cdot E_{\alpha,\alpha-j+1}\left(-\mu_{m_1,\dots,m_N} \cdot t^{\alpha}\right) + \right.$$

